

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

365 Инвестиция лойиҳалари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун лойиҳалар ташаббускорлари бўлган ташкилотларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш сифатини ошириш тўғрисида» 2017 йил 15 мартдаги ПҚ–2836-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Тармоқ илмий-техник кенгашларини ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага* мувофиқ;

Ихтисослаштирилган тармоқ эксперт кенгашларини ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага* мувофиқ;

Ҳузурида тармоқ илмий-техник кенгашлари ҳамда ихтисослаштирилган тармоқ эксперт кенгашлари фаолият кўрсатувчи лойиҳалар ташаббускорлари бўлган ташкилотлар — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи органлар рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи органлар ўн кун муддатда илмий-техник кенгашларини ҳамда ихтисослаштирилган тармоқ эксперт кенгашларини (кейинги ўринларда Кенгашлар деб аталади) ташкил этсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар, шунингдек уларни юқори малакали, шу жумладан тажрибали амалиётчилар, илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари, мустақил компаниялар ва бошқа ташкилотлар мутахассислари орасидан мутахассислар билан бутласинлар.

Лойиҳалар ташаббускорлари бўлган ташкилотлар — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи органлар раҳбарлари зиммасига Кенгашлар томонидан инвестиция лойиҳалари бўйича хулосалар ўз

* 1 — 3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

вақтида кўриб чиқилиши ва берилиши юзасидан шахсий масъулият юклансин.

3. Белгилансинки, инвестиция лойиҳаларининг Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ регламентланадиган ҳужжатлари Кенгашлар томонидан кўриб чиқилиши мажбурий ҳисобланади.

4. Белгилаб қўйилсинки, лойиҳалар ташаббускорлари бўлган ташкилотлар — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи органлар:

а) қуйидагилар учун жавоб берадилар:

замонавий технологияларни, юқори технологияли ва энергиясамарали асбоб-ускуналарни устувор қўллашни назарда тутувчи инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш юзасидан топшириқларнинг сифатли тузилиши;

лойиҳа олди ҳужжатларини, шу жумладан «фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш» лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун жалб қилинадиган малакали инжиниринг компанияларининг ва/ёки лойиҳалаш ташкилотларининг белгиланиши;

лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларининг, ишчи ҳужжатларнинг ва ишчи лойиҳанинг таклиф этилаётган технология ва асбоб-ускуналар бўйича нархларнинг шаклланиши юзасидан ихтисослаштирилган эксперт кенгашлари ёки мустақил компания томонидан пухта экспертизадан ўтказилиши;

танлов (тендер) ҳужжатларининг сифатли тайёрланиши ҳамда тақдим этилаётган маълумотларнинг ишончилиги;

инвестиция лойиҳаларининг тасдиқланган асосий техник-технологик ва иқтисодий параметрлари бажарилиши;

б) инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа олди ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун ваколатли органларга фақат Кенгашларнинг ижобий ҳулосаси мавжуд бўлганда юборадилар, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати-нинг алоҳида қарорида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса.

5. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 май,
285-сон